O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 23 октябрь, шанба • № 84 (11.167) • Эркин нархда сотилади

**1999 йил 5 декабрь**
*Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни*

**2000 йил 9 январь**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*



*МАМЛАКАТИМИЗ муҳим сиёсий-ижтимоий воқеалар арафасида турибди. Вилоятимиз шаҳар ва туманларида ҳам сайлолди тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Хусусан, Янгийўл шаҳридаги 8-«Наврўз» сайлов округи одамлар билан ҳамиша гавжум. Бу ерда улар учун суҳбат давралари уюштирилмоқда, ҳуқуқшунослар иштирокида «Маслаҳат соатлари» ташкил этилмоқда. Тадбирлар қатнашчиларига бу йилги сайловларнинг аввалгиларидан фарқи, сайловчилар ҳуқуқлари, номзод қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида батафсил маълумотлар бериб борилмоқда.*

*СУРАТДА: округ сайлов комиссияси раиси Хидирали Илалов сайловчилар даврасида.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ЕХҲТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Шу кунларда мамлакатимизда Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ЕХҲТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Мадлен Строж-Уилкинс хоним раҳбарлигидаги «Эҳтиёжларни баҳолаш Миссияси» деб номланган бу мутахассислар гуруҳининг фаолияти Ўзбекистонда парламент ва Президент сайловларига тайёргарлик жараёни билан танишиш, бу тадбирларга ЕХҲТ кузатувчиларини юбориш имкониятларини ўрганишга қаратилган.

Мазкур делегация Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига ташриф буюрди. Меҳмонлар билан учрашувда комиссия раиси Н. Комилов Ўзбекистонда сайловларга тайёргарлик жараёни ҳақида сўзлади. Олий Мажлис депутатлиги ва Президентликка сайлов бўлиб ўтадиган саналар белгиланганидан буён комиссия томонидан амалга оширилган ишлар билан таништирди.

Сайлов комиссиясининг биринчи галдаги вазифаси сайловларни ташкиллаштириш ва бу жараёнда сайлов тўғрисидаги қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганини назорат қилиб боришдан иборат. Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистонда бу вазифалар билан бир қаторда, сайловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни сайловга оид қонунлар, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари билан яқиндан таништириш борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Марказий Сайлов комиссиясининг бевосита раҳнамолигида барча номзодлар учун тенг шароит яратилмоқда. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази тузилиб, бу ишга маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳам кенг жалб этилаётир. Олий Мажлис депутатлигига сиёсий партиялар ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан илгари сурилган номзодлар билан бирга, ташаббус гуруҳлари илгари сурган номзодлар ҳам рўйхатга олинмоқда. Бугунга келиб, 26дан зиёд ана шундай гуруҳ расман рўйхатдан ўтган, жараён эса ҳали давом этяпти.

Учрашувда меҳмонлар Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига юқори баҳо берди. Айтиш жоизки, бу биринчи эътироф эмас. ЕХҲТ раҳбарияти Марказий сайлов комиссияси билан илгариги мулоқотлар чоғида, шунингдек, ўзаро ёзишмаларда Ўзбекистонда сайловларга ҳозирлик кўриш жараёнининг боришидан мамнуният изҳор этган.

Мулоқот чоғида ЕХҲТ делегацияси аъзолари ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан атрофлича маълумот олди, томонлар ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш борасида фикр алмашди.

***(ЎзА).***

## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ — ВАТАН ФИДОЙИСИ

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети қошидаги олий педагогика институтида ватан озодлиги учун толмас курашчи Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган илмий-услубий семинар бўлиб ўтди. «Жалолиддин Мангуберди — Ватан фидойиси» деб номланган мазкур тадбирда республикамиз олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Семинарда мамлакатимиздаги етакчи тарихчи олим ва мутахассисларнинг «Араб муаллифлари Хоразм ва Жалолиддин Мангуберди ҳақида», «Жалолиддин Мангуберди — миллат ва давлат фидойиси», «Кубровия тариқати ва Жалолиддин Мангуберди» каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

***(ЎзА).***

## ТЕЗКОР ГУРУҲ ХАБАР ҚИЛАДИ

**• 21 СЕНТЯБРЬ куни вилоятда жами 5586 тонна пахта тайёрланди. Бу йиллик режага нисбатан 1,70 фоизни ташкил этади. Шу кунгача тайёрланган жами пахта эса 92,63 фоизга етди.**

**• ШУ КУНИ 204та, жумладан, 92та «Кейс» ва 112та маҳаллий русумли терим машиналари далага чиқарилди. Ҳар бир машинада ўртача 3,8 тоннадан пахта терилди.**

**• ҚЎЛ ТЕРИМИДА 156 минг 137 киши иштирок этиб, уларнинг ҳар бири хирмонга 30,8 килограммдан пахта териб тўкди.**

**• БЎКА ТУМАНИ пахтакорлари йиллик режанинг 2,10 фоизи миқдорида пахта топшириб, кунлик суръатда энг юқори натижага эришдилар.**

## ПСКЕНТНИНГ КАТТА КАРВОНИ

*Туман пахтакорлари йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бориб, 20 октябрь куни йиллик режани ортиғи билан бажардилар.*

*ШУ КУНГАЧА 10 минг 630 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25,2 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиниб, давлатга режадаги 26 минг 700 тонна ўрнига 26 минг 800 тоннадан зиёд сифатли пахта хомашёси етказиб берилди. Ана шу ҳосилнинг 90 фоизидан кўпроғи юқори навга қабул қилинди.*

*3000 гектар, яъни жами пахта майдонининг учдан бир қисмидаги ҳосил терим машиналари ёрдамида йиғиштириб олинди.*

***(Пскент тумани пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағишланган мақолани газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).***

### БЎКА

А. НАВОИЙ номли жамоа хўжалиги деҳқонлари давлатга пахта сотиш йиллик режасини туманда биринчи бўлиб бажардилар. 1210 тонна хомашёнинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди. Механик ҳайдовчи Абдурайим Қизилбеков «Кейс» машинасида 265 тонна пахта терди. Ҳусан Ҳаитов, Дилшод Қулмуродов, Хўжам Махатов, Ҳаким Пардаев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 28-30 центнерга етди.

— Бунақаси бўлмаганди, — дейди хўжалик раиси Хуррам Туропов, — режани бажарган бўлсакда, ҳали биринчи терим тугагани йўқ. Ҳосилдорликнинг 40 центнерга етиши аниқ бўлиб қолди.

### ҚУЙИЧИРЧИҚ

«ЎЗБЕКИСТОН» хўжалигида меҳнат қилаётган хашарчи жамоалар орасида ҳамон Қибрай туманидан келган Шароф Рашидов номли паррандачилик ҳиссадорлик жамияти тезкор гуруҳи пешқадамлик қилаётир. Юздан ортиқ теримчи-хашарчилар дастлабки кунларданоқ хирмонга ўртача 70-80 килограммдан пахта тўкишган бўлса, иккинчи теримда ҳам суръатни бўшаштирмай, ҳар куни ўрта ҳисобда 50-60 килограммдан пахта топширмоқдалар. Бу пешқадам жамоанинг ҳозирги кунгача терган пахтаси 140 тоннага яқинлашиб қолди.

— Бундай юқори кўрсатгичга эришаётганлигимиз бежиз эмас, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Тўйчи Ортиқов, — аввало биз талабгор бўлиб, ўз иҳтиёрлари билан истак билдирганларни хашарга олиб келдик. Иккинчидан, хашарчиларимиз терган пахталари учун ўз вақтида ҳақ олмоқдалар.

### ЯНГИЙЎЛ

РЕЖАНИ туманда биринчилар қатори бажарган «Ниёзбош» жамоа хўжалиги деҳқонлари куни кеча 30 центнерлик маррани эгалладилар. Қабул пунктларига топширилган 3450 тоннадан зиёд хомашёнинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилиниб, хўжалик 115 миллион сўм даромад кўрди.

Аммо, бу сўнгги марра эмас. Хўжалик аъзолари давлатга яна камида 580 тонна пахта сотиб, ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш мақсадида теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

Тумандаги Н. Ниёзов номли хўжалик пахтакорлари ҳам дастлабки довондан ошдилар. Шу кунгача 1310 тоннадан зиёд пахта тайёрланиб, шартномадаги топшириқ ортиғи билан бажарилди. Кунига 1,5 фоиздан ошириб пахта топшираётган хўжалик меҳнаткашлари ҳосилдорликни 35 центнерга етказмоқчилар.

## ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

*Ўзбекистон бадиий академияси марказий кўргазмалар залида «Алпомиш» достони 1000 йиллиги ва Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.*

Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Қурёзов Жалолиддин Мангуберди сиймосини яратиш бўйича бадиий академия ўтказган республика очиқ танловида биринчи ўринни эгаллади. У халқ қаҳрамони, бетакрор саркарда Жалолиддин Мангубердининг чет эл босқинчиларига қарши курашдаги жасорати ва мардлигини ифодаловчи асарлар туркумини яратди.

Таниқли рассом Муборак Йўлдошев эса миллий эпосимиз — «Алпомиш» достони воқеалари асосида йирик полотнолар туркумини яратди. Уларда қаҳрамоннинг болалиги, ўсмирлик ва ёшлик чоғлари, паҳлавонлик фазилатлари, жангда кўрсатган мардлиги акс эттирилган.

Кўргазма очилишида сўзга чиққан таниқли адабиётшунос, санъатшунос олимлар, рассомлар намойиш этилаётган асарлар халқимизни, айниқса ёшларни ватанпарварлик, мардлик ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилишини таъкидлади.

***ЎзА мухбири.***

## ТИЛ БАЙРАМИ ОЛМАЛИҚДА

ТИЛ — миллат кўзгусидир. Ҳар бир миллатнинг тили қанчалар камол топса, унинг маънавияти, маърифати шунчалар юксак бўлади. Жаҳонда 2,5 мингта тил мавжуд. Улардан 40таси эса нуфузли саналади. Не бахтки ўбек тили ҳам ана шундай нуфуз касб эта олган, Навоийлар, Бобурлар, Яссавийлар ижод этган тил деб, жаҳонда эъзоз этилмоқда.

Куни кеча кимёгарлар, кончилар шаҳри бўлган Олмалиқда Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинганлигининг ўн йиллигига бағишланган адабий-бадиий кечада она тилимиз шаънига шундай таърифлар айтилди.

Тадбирни очар экан, Олмалиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари Норқизил Эшмуродов шаҳарда давлат тилига берилаётган аҳамият, ўзбек тилини ўргатиш хусусидаги бажарилган юмушларга тўхталиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар мажмуи котибияти мудири Холтўра Шафоатов, «Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга ошириш ва топонимик объектларга ном бериш вилоят комиссияси раиси ўринбосари Раҳматилла Шералиев, Тошкент Давлат Аграр университети кафедра мудири, доцент Неъматилла Саъдуллаев, Ўртачирчиқ тумани «Машъал» газетаси муҳаррири Ҳамид Норқулов, шоирлар Шукур Қурбон, Нуриддин Аминжон, Темур Убайдулло, Маҳмуд Тоировлар тилимиз тарихи, унинг мустақилликдан кейинги ўн йил мобайнидаги ривожи, келгусида қилинадиган ишлар тўғрисида гапирдилар, янги шеърлардан ўқиб бердилар. Олмалиқ шаҳридаги 16-рус мактаби ўқувчилари атоқли шоирларимизнинг шеърларини ўзбек тилида ўқиганларида, йиғилганларнинг олқишларига сазовор бўлдилар.

«Баҳор» рақс дастасининг хушовоз ҳофизлари Олимжон Мирзаев, Абдулла Раҳимжонов, олмалиқлик қўшиқчи Тошпўлат Маткаримов, ёш истеъдодли эстрада хонандаси Дилноза Исмияминова ижро этган қўшиқлар, «Тановар» дастаси рақкосаси Гулноза Наримонованинг ўйинлари кечага ажиб файз бахш этди.

«Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг ўн йиллигига бағишланган анжуманлар вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

***Темир ТИЛЛАЕВ.***

## СЕРМАЗМУН кунлар



• Халқаро молия ҳамжамиятининг нуфузли журнали («Европул»)нинг баҳолашича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 1999 йилда Марказий Осиёдаги энг яхши банки деб эътироф этилди. Унга «Европул: энг яхшиларга мукофот» кубоги ва тегишли сертификат берилган. Бу ҳақдаги хабар журналнинг Жаҳон банки ва Халқаро Валюта Жамғармасининг йиллик йиғилишига бағишланган махсус сонида чоп этилди.

• Маълумки, шу йилнинг 24 октябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топганига 54 йил тўлади. Шу муносабат билан БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида маҳаллий ва ҳорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Уни мазкур ташкилотнинг Ўзбекистондаги доимий вакили ва мувофиқлаштирувчиси Павел Крал бошқарди.

• Корхона, ташкилот, муассаса, соғлиқни сақлаш, таълим тизими ва уй-жойларни қиш мавсумига тайёрлаш қандай бормоқда? Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов раислигида республика иқтисодиётини 1999-2000 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш комиссиясининг мажлисида ана шу масала муҳокама этилди ва тегишли тадбирлар белгиланди.

• Шу кунларда Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «Экспо Италия-99» кўргазмаси ўтмоқда. Ана шу кўргазма доирасида Италия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси бир қатор маданий тадбирларни ҳам ташкил этди. Жумладан, 24 октябрга қадар пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги санъат саройида Италияда ишлаб чиқарилган учта бадиий кинофильм шаҳримиз аҳолисига бепул намойиш қилинмоқда.

• 21 октябрь куни Бухорода ракета-модел спорти бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўтказилди. Республикамизнинг 12 вилояти жамоалари иштирок этган «Кубок-99» беллашувларида тошкентлик спортчилар бош совринни қўлга киритдилар.

• Ўзбекистон Фанлар академиясининг полимерлар кимёси ва физикаси институтида «XXI аср бўсағасида полимерлар тўғрисидаги фан» деб номланган халқаро симпозиум очилди. Бу йирик илмий анжуманда Озарбайжон, Германия, Греция, Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Чехия каби мамлакатлардан келган йирик тадқиқотчилар ҳам иштирок этмоқдалар.

## ВИЛОЯТ ҳаёти



• ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги «Қорасув» пахта тозалаш заводига Женевадан хат келди. Маҳсулотлар сифати бўйича Халқаро танлов қўмитаси президенти Хоссе Э. Присто имзо чеккан ушбу мактубда 90 фоиз маҳсулотини ўндан зиёд хорижий мамлакатларга экспорт қилаётган завод жамоаси 1999 йил натижаларига кўра «Сифат учун» халқаро Олтин юлдуз мукофотига сазовор бўлганлиги маълум қилинган.

Корхона бош директори Ўрозали Жўраев Хоссе Э. Пристонинг таклифига биноан Интернационал меҳмонхонасида халқаро мукофотни тантанали топшириш маросимида иштирок этиш учун Женевага жўнаб кетди.

• ҚАТОР хайрли тадбирларни амалга ошириб келаётган «Соғлом авлод учун» республика жамғармасининг вилоят бўлими ходимлари куни кеча Зангиота туманининг туғуруқхонасида бўлишди. Бу ердаги оналар, чақалоқлар саломатлиги билан қизиқдилар. Шифохонага ёрдам тариқасида 50та кўрпа-ёстиқ ашёлари топширилди.

Шунингдек, жамғармага қарашли кўчма тиббий хизмат лабораторияси — «Амбуланс» шифокорлари Қуйичирчиқ, Пскент туманларида ҳам бўлишиб, меҳнаткашлар соғлиғини назоратдан ўтказдилар.

• ЯНГИЙЎЛ ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятида озиқ-овқат маҳсулотларининг янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, истеъмолчиларга писта ёғини етказиб беришга киришилди. Корхона бундай маҳсулот хомашёсини етиштириш юзасидан Янгийўл туманидаги қатор хўжаликлар билан шартнома тузган.

• БЎКА автобус-таксомотор саройи маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси аёллар йилида хотин-қизларнинг меҳнат-турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларни мунтазам амалга оширмоқда. Улар иш куни икки соатга қисқартирилди, доим моддий ёрдам кўрсатиляпти. Яқинда бир гуруҳ транспортчи аёллар Самарқанд шаҳрига саёҳатга бориб келдилар. Бунинг учун маблағ корхона ҳисобидан ажратилди.

• ЎЗБЕКИСТОН халқ таълими фаоллари йиғилишида Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ва Андижон шаҳар халқ таълими бўлимларининг «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш» Миллий дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ташкилотчилик фаолиятлари масаласи муҳокама этилди. Йиғилишда Қибрай туманида амалга оширилаётган таълимий тадбирларга ижобий баҳо берилди.

• ОҚҚЎРҒОН туманидаги «Оққўрғон» жамоа хўжалигида Туркман миллий маданий маркази очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, турли ташкилот ва уюшмалар вакиллари, шунингдек Туркманистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедов иштирок этди.

• ВИЛОЯТДА Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китоби асосида суратга олинган видеотуркумнинг дастлабки уч фильми намойиши давом этмоқда. Куни кеча мазкур киноасар билан Янгийўл тумани меҳнаткашлари танишдилар.

## «XX ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ УНУТИЛМАС ВОҚЕА БЎЛИШИГА ИШОНАМАН»

ASIAN BOXING CHAMPIONSHIPS & OLYMPIC QUALIFICATION TOURNAMENT
Tashkent / Uzbekistan
19XX99
23-30 October

*Тошкент аэропортида Халқаро Бокс уюшмасининг президенти Анвар Чаудри журналистларга шундай деди.*

— 1995 йилда бозор муносабатига ўтишдек қийин даврни бошдан кечираётган мустақил Ўзбекистон биринчи марта XX Осиё чемпионатини ўтказди, унинг иштирокчилари мусобақалар юксак даражада ташкил этилганини ҳамон эслашади, — деди Анвар Чаудри. — Ҳозир эса Ўзбекистон теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун мусобақа, мустақиллик кубоги учун кураш бўйича халқаро турнир каби нуфузли халқаро учрашувларни ўтказишда катта тажриба орттирди. Хуллас, Халқаро Бокс уюшмаси XX чемпионатни ўтказиш учун Тошкентни танлаб, хато қилмади.

Бундан ташқари, XX Осиё чемпионати 19 мамлакатнинг 21 спортчисига меҳмондўст халқингиз билан яқиндан танишиш, дам олиш пайтларида гўзал Тошкентни томоша қилиш, унинг музейлари ва театрларини бориб кўриш имкониятини ҳадя қилади.

Бокс бўйича XX Осиё чемпионати муҳлисларга унутилмас учрашувларни совға қилишига аминман, чунки унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Филиппин, Таиланд ва Индонезия каби давлатларнинг энг кучли боксчилари иштирок этади.

***(ЎзА).***

## АҚШДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ҲАФТАЛИГИ

*Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ шу йил 2-12 ноябрь кунлари Америка Қўшма Штатларида «Ўзбекистон маданияти ҳафталиги» ўтказилади.*

Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги маданий, дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, миллий маданият ютуқларини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилаётган мазкур ҳафталикда мамлакатимизнинг қадимий тарихини ва мустақиллик давридаги бунёдкорлик ишларини акс эттирувчи «Буюк ипак йўли» бадиий кўргазмаси, «Усто» бирлашмаси ва «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази аъзоларининг халқ амалий санъати асарлари намуналари савдо-кўргазмаси уюштирилади. Америкалик санъат мухлислари, шунингдек, ўзбек миллий фольклор санъатидан ҳам баҳраманд бўлади.

— АҚШда ўтадиган Ўзбекистон маданияти ҳафталигида мамлакатимиз рассом ҳамда ҳайкалтарошлари ҳам ўз асарлари билан қатнашади, — дейди Ўзбекистон бадиий академияси бош илмий котиби, академик А. Ҳакимов. — Кўргазма 8 ноябрь куни Филадельфия шаҳрининг Пенсильвания университети ҳузуридаги машҳур Артур Россе галереясида очилади. Америкалик санъат мухлислари Чингиз Аҳмаров, Акмал Икромжонов, Собир Раҳметов, Акмал Нуриддинов, Йигитали Турсунназаров каби таниқли рассомларимиз, Илҳом Жабборов, Туркман Эсонов, Улуғбек Мардиев сингари ҳайкалтарошларимизнинг турли мавзу ва жанрларда яратган асарлари билан танишади. «Буюк ипак йўли»да, шунингдек, ҳозир академия марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» фотосуратлар кўргазмасини ҳам намойиш этишни мўлжаллаяпмиз.

Кўргазма Филадельфия ва Нью-Йорк шаҳарларида 2000 йил 15 январга қадар давом этади.

***Б. МАНСУРОВ.***

